

Наврўзи айёмингиз муборак

ТОШКЕНТ ХАЖИНИ

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



Душанба, 22. III

УзТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Кичикитой» студияси. «Қўнғирқоч».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановор» миллий рақс ансамблининг концерти.
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Дунё хабарлари.
- 20.10 «Чорвачиликни ривожлантириш йўлида».
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 «Истиқлолим — истиқболим». Бухоро ампюти.
- 21.25 «Жар». Бадний фильм. 1-серия.
- 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
- 8.30 «Ассалому алайкум» (такрор).
- 9.30 Болалар учун. «Совға».
- 0.00 «Хамма».
- 0.15 «Моҳир қўллар».
- 0.45 «Утмишсиз қалам» йўли.
- 1.25 Шаҳарларро телефон алоқа хизмати масъул ходимлари билан вазосиэ мулоқот.
- 2.25 «Жиннат жавосиэ қолмайди».
- «ОРБИТА IV»
- 16.35 Мультфильмлар.
- 17.00 «Истеъодлар ва муҳлислар».
- 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- 18.30 «Нормандия-Немак». Хотира ва дўстликка ярим аср.
- 19.00 «Иқболни кулганда».
- 19.40 Телефильм.
- 19.55 «Оддий Марна». Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси (Мексика).
- 20.40 Хайрли тун, кичикитойлар.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 Янгилликлар.
- 21.25 «Горжач ва бошқалар». Бадний телесериал премьераси. 8-серия.
- 21.55 «Спорт уик-энди».
- «Янги студия» танштиради:
- 22.10 «Бомонда».
- 22.30 «Бирок».
- 22.50 «Таржиман ҳол».
- 23.10 «АТВ-Брокер».
- 23.25 «Вазият».
- 00.35 «ТВ-галерея».
- 00.55 «Джэм-сейши».
- 01.25 «Монтаж». Танаффус пайтида [24.00] — Янгилликлар.
- 01.30 Хоккей. Лига кубоги. Ярим финал.
- «ДУБЛЬ IV»
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
- 8.25 Ишбилармон ишчилар дари.
- 8.55 «Эсин ҳўжайини». Хужжатлий фильм. Хайлпарасулни. Рус авангарди кўргазмасига бағишланади.
- 10.20 «К-2» танштиради.
- «Абзац».
- 11.15 Патрисия Каас концерти.
- 12.15 Кундаги санас. «Дов солгани қалпти». Бадний фильм (Польша).
- 13.35 «Дехқонларга таваллуқи масала».
- 14.00 «Энақларни асранг». Бадний фильм.
- 15.15 Танаффус. «Тристрия». В. Артемов мусиқасига айлган балет.
- 15.35 «Амерининг ёшайи табнати». Хужжатлий фильм премьераси (А.И.И.). 3 фильм.
- 16.05 Янгилликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИКНОМАСИ

Азиз ватандошлар! Мухтарам отахон ва онахонлар! Опа-сингиллар, ака-укалар! Муштақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди — қадрли ўғил-қизларим!

Наврўзи олам сизларга муборак бўлсин! Кўп минг йиллардан бизга мерос қолган, олис аجدдоларимиз қўтлуғ сананган бу байрам замирида олам-олам мазмун бор. Наврўз — табиатнинг ўйғониш тўйи, она ерга муҳаббат тўйи, эзгу умидлар тўйидир.

Наврўз муштақил Ватанимиз учун айниқса азиз ва қадрли! Чунки биз уни курашиб қайта қўлга киритдик. Бир вақтлар Ўзбекистон ва ўзбеклар шаънига маломат тошини отган кимсалар Наврўзи ҳам бадном қилмоқчи бўлидилар, халқни табаррук байрамидан айирмоққа уриндилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг бу гарази амалга ошмади. Истиқлол шарофати билан халқимиз қўҳна байрамини расмона яйраб тантана қилишга мушарраф бўлди. Бу адолатнинг галабасидир.

Мана шу қўтлуғ Наврўз кунинда сиз, азиз ватандошларимиз ишонтириб айтаманки, бундан буён ҳам юртимиз ва халқимиз шаънини, маънавий қадриятларини кўз қорачиқини асраб-авайлаймиз ва қатъий ҳимоя қиламиз.

Наврўз — эзгулик байрами. Сулуҳ ва тотулик байрами. Биз она юртимизнинг ҳамиша тинчликда, омонликда бўлишини истаймиз ва кўнчилиримизга, ички ниятлардан жафо чекаётган узоқ-яқин элларга ҳам барқарор сойишталик йўлларини тилаймиз.

Баҳор — ёшлик фасли, янгиликни, гуллаш, яшнаш тимсоли. Муштақил Ватанимиз ҳам янгиликни даврини бошдан кечирмоқда, гуллаш ва яшнаш даврининг пойдеворини қурмоқда. Умидимиз халқимиздан, ёшлардан. Юртининг залворли юкини қўтаридиган нор янгитлар, ўқтам фарзандлар керак. Шундай фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга, билим ва ҳунар ўргатган, камолотга етказган устозларга, соғлом авлод учун умрини бағишлаган барча азиз инсонларга Ватан ташаккур бўлсин!

Бу муборак кунда Ватандан олисда хизмат вазифасини бажарётган юрдошларимизга, таҳсил қўраётган талабаларимизга, дунёнинг турли ерларида истиқомат қилаётган туркистонлик ватандошларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига Наврўз саломини йўллаймиз.

Бу йилги Наврўз йиди Рамазон арафаларига тўғри келди ва янада қадрли, шарофатли бўлди.

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин.

Бутун далаҳарга сепаётган уруғ, боғларга экилаётган кичикларга Оллоҳ Таолонинг баракот нури сочилган бўлсин.

Азиз юрдошларим! Наврўзи олам қонадонимизга бахт-саодат, эл-юртимизга тинчлик, остойишталик келтирсин, йилимиз қўтлуғ ва баракали бўлсин.

Ислом КАРИМОВ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

ҲАМКОРЛИК БАРҚАРОРЛАШАДИ

18 март куни Россия Федерацияси Вазирлар Кенгашининг раиси Виктор Черномырдин бошлиқ ҳукумат делегацияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди.

Икки муштақил қардош мамлакат давлат байроқлари қилпираб турган пойтахт таёрағида Россия Вазирлар Кенгаши раисини Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Россия ҳукумати делегацияси икки кунлик сафар чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама қилди, бир неча ҳужжатлар имзолашни кўзда тутилмоқда. (ЎзА).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1993 йилнинг I апрелидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида

Истеъмол моллари ва хизматларнинг нархлари тўхтовсиз ўсиб бораётган шароҳта Ўзбекистон Республикаси аҳолисин ижтимоий муҳофаза қилиш мақсидида:

1. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 3.000 сўм миқдорига белгилансин ёки ишловчиларнинг мансаб оқладлари 1,2 баравар оширилсин.
2. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 3.000 сўм миқдорига белгилансин.
3. Ҳозирги вақтда берилган барча турдаги пенсияларнинг миқдори 30 фоиз оширилиб, меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 3.250 сўм қилиб белгилансин.
4. Олий ўқув юртлири талабаларининг стипендиялари, кийим-бош ва оқват билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника юртлири талабаларининг, кийим-бош ва оқват билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника юртлири талабаларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилиди.

техника билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилсин. Талабаларининг ошоналари ва буюфелларида тушлик оватқаларининг қиймаатдан 50 фоиз чегирмалар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларини оширишга мазкур Фармоҳда кўзда тутилган сарф-ҳаражатларни пул

билан таъминлаш мабдаларини аниқласин.

6. Бюджетдан пул билан таъминланмайдиган вазирликлар ва идоралар, Қўрақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташиқлотлар ва муассасалар ушбу Фармоҳда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходим-

ларнинг мансаб оқладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Ҳўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташиқлотлар ушбу мақсадларга ўзларининг маблаг мабдаларини қидириб топишларига қараб мазкур

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил 18 март.

Фармоҳда белгиланган меҳнат ҳақининг энг оз миқдори жорий эгинлар.

8. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки республика корхоналари, ташиқлотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўланшини таъминловчи чоралар кўрсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

1993 йилнинг I апрелидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида

Амалдаги таъминотларнинг икки қисмидаги вазиятнинг пул қадарсизлигининг юксак даражада эмилгини эътиборга олиб, бизнинг республикамизда аҳолининг юктимоев муҳофазасини барқарор таъминлаш мақсидида 1992 йилдан буён даромадлар индексацияси (курсаткичи) механизми қўлланилмоқда. Бу механизм иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг энг оз миқдорларини авқит-вақти билан қайта кўриб чиқишга ҳамда бюджет ташиқлотлари ходимларининг иш ҳақини оширишга асосланган.

Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикасига 1993 йилнинг I апрелидан бошлаб иш ҳақининг энг

оз миқдори 1,2 баравар ва пенсиянинг энг оз миқдори 1,3 баравар оширилди. Уларнинг миқдори тегишли равишда ойига 3000 сўм ва 3250 сўм қилиб белгиланади, бу эса яшаш учун зарур бўлган энг оз қийматининг ўзгарини мувофиқдир. Олий ўқув юртлири талабаларининг, кийим-бош ва оқват билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилиди.

Маълуки, Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги 590-сон қарорига биноан Ўзбекистон ҳудудида 1993 йилнинг I январдан бошлаб меҳнат ҳақи ягона тариф сет-

каси билан тартибга солинмоқда. Энг оз иш ҳақи миқдори унга асос қилиб олинган бўлиб, уни ойига 3000 сўмгача ошириш халқ ҳўжалигидаги барча ишловчилар, жумладан, бюджет ташиқлотлари, ҳўкуки муҳофаза қилиш органилари ходимларининг ва ҳарбий хизматчиларининг тегишли тариф ставкалари ва мансаб оқладлари 1,2 баравар кўпайтирилишига имкон беради.

Фармоннинг бош мақсади — аҳоли барча таъминотларининг моддий фарозонлигини янада яқинлашдан ноборат. Масалан, барча турдаги пенсиялар миқдорини 1,3 баравар ошириш 2,5 миллион кишининг даромадларини кўпайтиради. Ушбу Ватан уруши қаттиқчилари ва

ноғиронлари пенсиясининг энг оз миқдори ўрта ҳисобда 1300 сўм ошади, шу жумладан, қаттиқчиларнинг пенсияси 3900 сўмдан 5100 сўмга, биринчи гуруҳ ноғиронларининг пенсияси 7800 сўмдан 10200 сўмга кўпаяди. I апрелдан бошлаб олий ўқув юртида стипендиянинг ўртача миқдори 2424 сўми, техникумда 1884 сўми, ва ҳунар-техника билим юртлирида 1260 сўми ташиқил этади. Талабаларининг ошоналарида тушлик оватқаларининг қийматидан талабалар учун 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолнади.

Маориф тизими ходимларининг оқладлари амалдаги 6100 сўмга нисбатан ўрта ҳисобда 7300 сўмга ортади, яъни 1200 сўм кўпаяди. Солиқини саклаш тизими ходимларининг ўртача оқладлари 4900 сўмдан 6000 сўмга, шу жумладан, биринчи тоифадаги шифокорининг оқладлари 6350 сўмдан 7600 сўмга, тиббий ҳамширанинг оқладлари эса 3435 сўмдан 4100 сўмга кўпаяди.

Или-фан ходимларининг ўртача оқладлари умуман 5600 сўмдан 6800 сўмга ошади, ҳолда кичик илмий ходимнинг оқлади 5800 сўмдан 7000 сўмга, катта илмий ходимнинг оқлади 9100 сўмдан 11000 сўмга кўпаяди.



Шу кунини шаҳар ўйингоҳида спортнинг ўндан ортиқ турини бўйича кўргазмали чиқилар, мусобақалар уюштирилди. Миллий кураш голибларини муқофотлаш учун қиммат-баҳо буюмлар ажратилди, улар орасида қўй ҳам бор.

«Бўка» жамоа ҳўжалигида Наврўзининг севишли таомини сумалак билан бирга ош ҳам тортилади. Хаваскорлардан ташқари «Тановор» дастаси санъаткорлари ҳам дала меҳнатчиларини хўшнуд этадилар.

Наврўз кунларидан ноғиронлар ва боқувчилардан ажратилганларнинг кўнглини олишга алоҳида эътибор берилди. 21 ноғирон, 40 нафар биринчи гуруҳ ноғиронларига районнинг фаоллари уйма-уй юриб совға-саломлар улашдилар. Меҳр-оқибат, садоқат ришталар янада муштақамланади.

Ҳар бир жамоа ҳудудида сайлар ташкил этилади, спорт мусобақалари ўтказилади. Халқимизнинг энг надиий удуларига амалда надиий утдилади. Шунингдек, дейлик сумалак тайёрлаш жамоалар, нон ёнган баҳоси тавсига ҳаммалар баҳоси тавсига билан муқофотлар топиштиради. Ўзқисси Бўкада Наврўзи байрами мазмунли, завқли ўтади.

Чирчиқ


ШАҲАРДАГИ барча саноат корхоналари, курилич, транспорт ташиқлотлари ва муассасаларини жамоалари Наврўз байраминини ишонлашга ҳар томонлама ҳозирлик кўрдилар. Қўтлуғ айём тантаналари ўн тўққизинчи мартдан бошланиб кетди. Байрам шодоналари 27 мартгача давом этади. Шу кунини шаҳар оқсонларини истироҳат борида ёнлашган катта дастурхонга тақлиф этилади. Уларга халим, сумалак, янги қўнқалар солиб тайёрланган бошқа миллий таомлар тортилади.

Шаҳар бўйича асосий тантаналар марказий истироҳат боғида 21 март кунини бўлиб ўтади. Бу ерда турли кўнғил очар ўйинлар, мусобақалар, кўргазмалар уюштирилди. Театрлаштирилган чиқиллар бўлади. Шаҳардаги маданият саройлари ва уйлариинг бадний ҳаваскорлик тўғараклари аъзолари, тақлиф қилинган санъаткорлар меҳнатчиларини хўшнуд этадилар. Саломатий оватқаларини корхонавий ходимлари байрам қатнашчилари хизматига бўлилади.

Шу кунини шаҳар ўйингоҳида спортнинг ўндан ортиқ турини бўйича кўргазмали чиқилар, мусобақалар уюштирилди. Миллий кураш голибларини муқофотлаш учун қиммат-баҳо буюмлар ажратилди, улар орасида қўй ҳам бор.

Наврӯз

БОЛАЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ



Борин қишда шиддату бардош,
Була олмаб ортин дукмрон.
Шилдирашиб, ошиб тоғу тош,
Ирмоқларда гулув, галайн.
Сурон солиб пастга еляпти:
Наврӯз келяпти!

Томирда ҳам янги қои назар,
Юракларда йинб ҳавжон,
Сукуватнинг торини узар,
Ҳайқирғи кўни еляпти:
Наврӯз келяпти!

Чакмоқлардан ёришар осмон,
Ларза солар момақалдиرون,
Ёмғир қуяр эринмай обдон
Покланнш бу аслида бирок,
Биров билмай, бирок

Куртакларга беринган олам,
Бўрта бошлар яна қатма-қат.
Сабзаворий яна қир, дала,
Сабзаворий атроф беадад,
Яшилликка дунё тўляпти:
Наврӯз келяпти!

Сурмаланур тоида уфқлар,
Парқудайин булутлар

Озод дийр нағмаси баланд,
Кўксин очар нашъу намоғ.

НИМА, КАЧОН, КАЕРДА?

Тошкент

ТОШКЕНТ райониди ҳар бир тадбирнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишига алоҳида аҳамият берилди. Умумхалқ шодиёнаси Наврӯзи оламга ҳам одатдагидек қизгин тайёргарлик кўриди. Район ҳокимлиги биноси олдидаги майдон миллий палат ва сўзаналар билан безатилиб, шу кунин ўзига чирой каста элади. Нағта халқ сайли иштирокчиларинин Наврӯз тимсолидаги жажжи болакай — Наврӯзбек табриклиди. Қатор савдо шаҳобчалари район аҳли хизматнда бўлди. Унлаб дошқозонларда сумалар, ҳалим, ош тайёрланади.

Райондаги бир қатор ишбилармонлар, кичик корхоналар вакиллари шу кунин ҳиммат кўрсатишга бел боғлашлар. Шу жумладан, «Намшид» кичик корхонаси 21-март кунин тугилдиғини чақалоқлар учун 200 минг сўм суяучи пули улашмоқчи.

Ўртачирчиқ

ҲАР қачондир районда Наврӯз байрамига катта ҳозирлик кўриди. Кўчалар, хиёбонлар, майдонлар орасида Хўжаликлар, ташиқлотлар ва муассасалар ҳудудларида турли хил мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Шу баҳорда юз ёшини нишонлаган олти нафар пирӯ-бадавлат боболар в буви-ларга, 600 нафардан эяд етим-есирларга байрам совғалари улашилди. Кам таъминланган ночор оналарга 50 минг сўмдан кўпроқ пул тарқатилди.

Қутлуғ айём райондаги 70 та мактабнинг ҳар бирида «Салом, Наврӯз» ҳафталиги билан бошланиб, унинг «табиат ардоғинида» деб номланган биринчи босқичи муваффақиятли тугалланди.

Район ҳудудиди 9 та шифохонда ётган беморлар қўлидан хабар олишни режалаштирган район фаоллари — раҳбарлар аллақачоноқ таратқиларини кўриб қўйдилар. Улар олиб борган совға-саломлар хасталар кўнглини кўтаришдан ташқари, тезроқ соғайишларига мадад бўлиши табиий.

Бугун «Қайтмас» хўжалиғида бошланган тантана, сайил рўзи аргага барча хўжалиқларга ёйилди. Энг катта шодиёна эса район ҳокимлиғин олдидаги катта майдонда яндинга кенсалар дуояри билан бошланади. Иштирокчилар концерт томоша қилдилар, савдо шаҳобчалари уларга хизмат кўрсатади. Шу кунин «Роватак»-ликлар уйлариға тезроқ тошилдилар. Чунки улар 27 март кунин бўладиган қатор-қатор келинлару, кувларнинг тўйларига ҳозирлик кўрадилар. Шундай қилиб, Ўртачирчиқда байрам тўйларга уланади.



ОЛАМ БУГУН ХАНДОН КУЛЯПТИ

Кечагина эди зумрад қиш
Жаҳон узра сочган эди зар.
Қачон кўклар айтади олжиш—
Доя бўлган эди интизор.
Бугун қиш ҳам боғрини тилапти:
Наврӯз келяпти!

Бугун кўра узра дилрабо,
Эрка фасл йўлга шайланди.
Боларилар учун мўддао
Болқосага гуллар айленди.
Нимани бор ранга тўляпти:
Наврӯз келяпти!

Тонлар берди ўзига оро,
Шуқудланди чор-атроф янғ
Гўзаллашди оқшомлар, зеро,
Табиятда янги бир таманно.
Фасл қонунини қилляпти:
Наврӯз келяпти.

Боди сабо дияни қитилар
Кўйиб боқиб атрофга шодон.
Тоғ отилган жилва қилляпти:
Наврӯз келяпти.

Бойчечамининг митти танаси,
Совуқларда бўлса ҳам ҳазон.
У баҳорнинг илти танаси,
У баҳорга биринчи қўрбон.
Янги кун, деб кураш бўляпти.
Наврӯз келяпти!

Янги нунга янтилар ҳар жон,
Караюн.

Кўкдан ёғар ризқ-рўз гарчанд,
Ердан ўрлар қувонч самога
Қабоҳатининг ранги сўляпти:
Наврӯз келяпти!

Аажга чиқар шодумон кулгу:
Наволарга катар улаиб.
Кўнгилларида шўх-шам тўйгу,
Товланиди нурга беланиб.

Олам бугун хандон куляпти:
Наврӯз келяпти!

Темур УВАЙДУЛЛО.

«САОДАТ»ДА ТОПШИРИЛДИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ВИЛОЯТ ҚҶМИТАСИННИНГ САҲОВАТЛИ ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Чалонзор райониди «Саодат» кафеда амалга оширилган Наврӯз олди тадбирининг ҳам гоят ибратлидир. Бу ердаги баҳор ва Наврӯз таомлари — сумалар, ншолда ва бошқа таъсиқ нознеъматлар билан безатилган тўкин дастурхонга вилоятдаги ҳамма районлардан касаба уюшмалари аъзолари вакиллари, районларнинг ҳокимлиги вакиллари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, фахрийлар, хўжалик раҳбарлари, вилоят кишлоқ хўжалиғини органлари раҳбарлари, жумҳуриянинг турли ташкилотларидан вакиллар, меҳмонлар таклиф этилди. Бир пиёла чой устида кишлоқ жойларда меҳнатнашларини иштирокчи димо қилдиш учун нималарда эътибор бернш керак, деган мавзуда эркин ва сажийини давра суҳбати ўтказилди.

Сўхбатда Ўртачирчиқ районини касаба уюшмаси раиси М. Отақулов, Чаноз районини ҳокими У. Умаров, Паринт райониди «Кожина» хўжалиғи сут соғувчиси М. Абдуллаева, Қибрай райониди «Қибрай» давлат хўжалиғидан С. Исмоилов, Буна райониди Тиниркоров номли жамон хўжалиғи бригадани раиси Р. Разақов, Тошкент райониди Охунбобоев номли жамон хўжалиғидан З. Олимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, истакларини, таклифларини айтишди.

САВОБЛИ ИШЛАР ҚИЛИШДИ

режалаштириб қўйилди. Жумладан, вилоят халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси туманлар, шаҳарлар халқ таълими бўлимлари кенгашлари билан ногиронлар, кўп болали оналар, нафақахўрлар, муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатадилар. Уларга пул, айримлари уйига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бориб берилди. Шу мақсад учун Олмалик шаҳри ва Юрчиқчиқ туманида 100 минг сўмдан, Қўйчиқчиқ, Паринт туманларида 70 минг сўмдан пул ажратилди.

Касаба уюшмалари қўмиталари бундай хайрия ишларидан ташқари жойларда оммавий сайиллар, концертлар, спорт ўйинлари, конкурслар, турли томоша ва тадбирлар ўтказишда фаол қатнашдилар. Халқ таълими, коммунал-машиини хизмат, маҳаллий саннат ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталари Наврӯз байрамини энг яхши нишонлаш учун меҳнат жамоаларининг кўриқ-конкурсини эълон қилдилар ва голиблар учун мукофотлар белгилдилар. Деҳқончилик-саннат мажмуи ва автомобил транспорт ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталари турли соҳа кишиларининг тантанали учрашувини ташкил этишди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакин, вилоят касаба уюшмалари шу нунгача Наврӯз жамғармасига 200 минг сўмга яқин пул ўтказдилар.

Б. ПҶЛАТОВ, вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси республика тавони ҳақами тақрирларини кўриб чиқиб, қарор қилди:

Ўтказилган таълиғога бинон янгилик энг яхши журналистика асари учун Ўзбекистон журналистлари уюшмаси лауреати нишонин билан бирга диплом кўйидагиларга таълиқ қилди:

- Қалибек Бекнововага — «Еркин Қорақалпоғистон» рўзномаси муҳаррири, публицистик мақолалар туркуми учун;
- Шарифа Салимовага — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг котиби муҳбири, Ўзбекистон хотин-қизлари ҳақидаги асарлар туркуми учун;
- Мамасили Абдураҳмоновага — Залдор тумани «Истикбол сари» рўзномасининг муҳбири, публицистик мақолалар учун (Наманган вилояти);
- Анавар Жўрабоевага — «Халқ сўзи» рўзномасининг бош муҳаррири, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳақидаги мақолалар туркуми учун;
- Эсон Турсунмуродович Турдиқуловга — «Овози тожики» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари ҳақидаги мақолалар туркуми учун;
- Нарзулла Жўраевага — «Мулоқот» ойнамасининг масъул котиби, публицистик мақолалар туркуми учун;
- Матлуба Исмоиловага — «Ўзбекистон радиоси муҳаррири, хотин-қизларга бағишланган «Душманлар» эшиттиришлар туркуми учун;
- Ахбор Аҳмедовга — «Туркистон» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Рўзминбой Ҳасеновага — шу рўзноманинг махсус муҳбири — «Сийсий портретларга лавҳалар» мақолалари учун.
- Кўйидагиларга Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг фахрий дипломлари топширилсин:
- Галина Дмитриевна Владовага — «Осиё» — Юнпресс рўзномасининг бўлими муҳбири;
- Саидазим Шарофоновга — «Ўзбекистон табиати» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари;
- Ҳайдарали Узоқовга — филология фанлари номзодин;
- Тўлқин Муҳаммадиевич Қозоқбоевга — ҳафталик «Йишона» рўзномасининг бош муҳаррири.
- Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиғига бағишланган кўриқ аянулари кўриб чиқилди. Мукофотлар кўйидагиларга тақсимланди:
- Биринчи даражали диплом Темур Убайдулло («Тошкент оқшом») рўзномасининг бўлими мудири) ва Тўлқин Ра

Қ ў Ш Қ У В О Н Ч

ТАНТАНАЛАРДА бу кўркам ва қулай биноларини бунёд этган қурувчилар, тиббиёт ва халқ маорифи ходимлари, янги боғида тарбияланувчи кичкинтойлар билан бирга уларнинг қувончларини биргаликда баҳам кўриш учун вилоят ҳокимлиғи вакиллари ҳам иштирок этидилар. Бу — Пискент район аҳли учун муносиб байрам тўхфасидир.

З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

ПОИТАХТИМИЗДАГИ болалар суяк сили ҳасталиқлари санаторийсида Ўзбекистоннинг турли вилоятлари, қўшн республикаларидан келган бир ёшдан ун олти ёшгача бўлган 500 нафарга яқин болалар даволанишмоқда. Уларга маълумли тиббий хизмат кўрсатиш, дардларидан фориғ бўлиш учун бу ерда шартшароит муҳайё этилган. Бу ерда беморларнинг узок муддат даволанишлари ҳисобга олиниб, уларни мақабат программаси асосида ўқитиш йўлга қўйилган. Улар 11 синфини тугатганлик ҳақида етуклик аттестатига ҳам эга бўлишди. Ҳукуматимиз шу йилининг ўзига санаторий учун бир неча ун миллион сўмга яқин маблағ ажратган. Бундан ташқари республикамизнинг турли идора ва ташкилотлари меҳр-муруват ҳам кўрсатиб туришади.

Кунин кеча Наврӯз байрами арафасида санаторийга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши рангли телевизор ва видеомагнитофон совға қилди. Совғани республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Бўри Алламуродов топширди. Уларни Наврӯз билан табриклиди. Шунингдек, санаторийга Ўзбекистон енгил саннат ходимлари касаба уюшмаси Марказий, қўмитасининг раиси Т. Мурсалиева қўмита номидан кийим-кечақлар, ўйинчоқлар тўхфа этди.

Бош шифокор Азиза Турсунова совғалар учун миннатдорчилик билдирди.

● СУРАТЛАРДА: совғаларни топшириш пайти. Д. АҲМЕДОВ суратлари.

ҲОГИСА

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

ШУ ЙИЛ 6 март кунин соат 13 дан 05 дақиқа ўтганда Оҳангарон ноҳияси марказида жойлашган 2-насосия кўчасидаги 80-уйда газ аппаратларининг носозлиғи туфайли кучли портлаш юз берди. Портлаш натижасида Тоғаймуродовлар ўрнотилсининг 5 аъзоси жароҳатланди, улар баданларининг турли даражада кўйганиқлари маълум бўлди. Азият кенканлар орасида ички ёш бола ҳам бор. Ёшга фойега тушган кишиларнинг ҳаммаси касалхонага ётирилди. Портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари ёнгинларнинг олдини олиш учун қатор чоралар кўрмоқдалар. Аммо газ асбобларининг билиб-билмай ўрнатилиши оқибатида баъзи бир бахтсизликлар юз бермоқда. Газга дахлдор кишилар мутасадди ташкилотлар билан маслаҳатлашмай туриб, газ аппаратлари ўрнатмасалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Акс ҳолда қўриқдаги ўхшаш нохуш воқеалар содир бўлиши мумкин.

ДАВЛАТ НАЗОРАТ БЎЛИМИ, **ЕНГИНИНГ ҚИЛИШ**

Муҳаррир **Н. НАСИМОВ.**

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райониди «СУПЕР» кичик корхонасининг йўқолган дуғалоқ муҳри БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилоят табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси жаммаси қўмита раисининг ўринбосари Аъзам Каримжонович Усмоновга отаси **Каримжон УСМОНОВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КҶЧАСИ, 32.

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БУЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БҶЛИМИ — 33-99-15.

Телефонлар:

- Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
- Факт ва далилларининг ҳаққонийлиғи учун мақолалар муаллифлари масъулдилар.
- Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.